Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 24-aprel, payshanba № 51 (3400)

Кимки бизнинг куч-қудратимизни, халқимизнинг азму шижоатини, қандай буюк ишларга қодир эканини кўрмоқчи бўлса, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларимизни келиб кўрсин.
Ислом КАРИМОВ

Маҳаллийлаштириш — устувор вазифа

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари мажмуасининг тармоқ саноат ярмаркаси очилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни маҳаллийлаштириш жараёнини янги сифат босқичига кўтарди. Ушбу дастурий ҳужжат мамлакатимиз учун янги бўлган қатор юқори технологияли саноат корхоналарини ташкил этиш ва замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ички бозорни импорт ўрнини босадиган арзон ва сифатли товарлар билан тўлдириш имконини бераётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 24 февралда қабул қилинган «2014 йил Халқаро саноат ярмарка ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилаётган Машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари мажмуаси корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси доирасида шундай корхоналарнинг баъзилари билан танишиш мумкин.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, тадбирнинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Ўтган йили тармоқ саноат ярмаркасида 110 корхона 800 турдаги маҳсулотини тақдим этган эди. Жумладан, 168 янги турдаги маҳсулот Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган. Саноат кооперацияси асосида маҳсулот етказиб бериш бўйича 117,3 миллиард сўмлик, 2,6 миллион долларлик экспорт шартномалари имзоланган.

Жорий йилда 130 дан ортиқ корхона, жумладан, Тошкент трактор заводи, Тошкент механика заводи, «Чирчиққишлоқмаш» очиқ акциядорлик жамияти, агрегат заводи, шунингдек, «Ўзавтосаноат», «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниялари корхоналари ва бошқалар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

ЎзА фотомухбири Ёлқин ШАМСИДДИНОВ олган суратлар

«Касаба-тур — 2014»

Қарши шаҳрида «Касаба-тур — 2014» веломарафонининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган, мусобақанинг дастлабки икки босқичида сараланган 200 га яқин ҳаваскор велоспортчи стартга чиқди. 20-35 ёшли эркаклар баҳсида Қарши шаҳар ободонлаштириш бўлими боғбони Зафар Аминов маррага биринчи бўлиб етиб келган бўлса, Қамаши саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Жамолиддин Бердиёров иккинчи бўлди. Касбилик Жўрақул Абдураҳмоновга учинчи ўрин насиб қилди.

Сиҳат тиласанг...

Худди шу ёшдаги аёллар баҳсида Косон тумани 21-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Райҳон Тиловова биринчи, Қарши шаҳрилик Дилдора Аминова иккинчи, Китоб туманидан Шаҳло Юсупова учинчи поғонани банд этди.

35 ёшдан юқори бўлган пойгачиларнинг шижоати ва ғалабага интилиши томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, 84 ёшли отахон, Китоб тумани Бештерак қишлоғидан бўлган Жўра бобо Эргашевнинг ҳаракати олқишлар билан қарши олинди. Отахон ўзининг тетиклиги ва бардамлиги билан ёшларга ҳақиқий маънода намуна бўлди. Мусобақа якунида ҳакамлар айнан Жўра бобо Эргашевни «Энг ёши улуғ пойгачи» номинациясига лойиқ деб топишди.

Эркаклар ўртасида 35 ёшдан юқори бўлган ҳаваскорлар баҳсида касбилик Юсуф Ражабов, Қамаши тумани вакили Бахтиёр Исмоилов, қаршилик Ҳамза Ҳасанов совриндор бўлди.

Ушбу ёш тоифасидаги спортсевар аёллар беллашувида Насиба Нурқувватова, Муножот Жўрақулова ҳамда Ҳалима Аҳмедова шоҳсупага кўтарилди.

Шунингдек, Моҳидил Ўринова «Энг фаол аёл пойгачи», Юлдуз Жўраева «Энг ёш пойгачи», Қарши шаҳридан Элдор Ҳазратқулов «Энг маҳоратли пойгачи», Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири Файзулла Маҳмудов эса «Ғалабага бўлган интилиши учун» номинацияларида ғолиб деб топилди.

Биз мусобақа ҳақида иштирокчиларнинг фикрлари билан қизиқдик.

Жўра Эргашев, «Энг ёши улуғ пойгачи»:

— Ёшлигимдан велосипед минишни одат қилганман. Гарчи уйимизда машинамиз бўлса-да, қишлоқдаги тўй ва маъракаларга ўзимнинг севимли уловимда бораман. Ҳар куни велосипедда икки-уч соат сайр қиламан. Уч ўғил, саккиз нафар қизни тарбиялаб, элга қўшганман. Спорт ҳамроҳим бўлгани учун кечқурунлари уйқум яхши, ҳеч қаерим оғримайди, асабларим жойида. Ҳаётдан мамнунман. Мана, юртимизда тинчлик, фаровонлик. Ёшларнинг билим олиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит муҳайё. Фақат бунинг қадрига етиш, астойдил меҳнат қилиш, яратилган имкониятлардан фойдаланиш зарур.

Неъматулла Ҳусанов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Яккабоғ туман кенгаши ходими:

— Веломарафонга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ошаётганини кузатиш мумкин. Буни мусобақанинг туман босқичида ҳам кузатдик. Яккабоғ туман босқичида 129 нафар ҳаваскор қатнашди. Бундан кўриниб турибдики, касаба уюшмалари ўз аъзоларини соғломлаштириш ва уларни янада жипслаштириш, маданий дам олдириш йўлида тинимсиз изланишда давом этаётир. Мана қаранг, бугунги маданий тадбирда ҳаваскор спортчилар қанчалик яйрашди. Ўйлайманки, бу марафоннинг энг катта ютуғидир.

Насиба Нурқувватова, Косон тумани, мусобақа ғолиби:

— Гувалак қишлоғидаги 31-умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайман. Оилавий спортга қизиқаман. Бугунги тадбир жуда юқори савияда ташкил этилди. Бу каби мусобақаларнинг тез-тез ўтказилиб туришини истайман.

Юлдуз Жўраева, Нишон тумани, «Энг ёш пойгачи»:

— Туман тиббиёт бирлашмасида ишлайман. Мусобақанинг саралаш босқичида соғлиқни сақлаш ходимларидан 21 нафар, 12 нафар аёл ҳамда 9 нафар эркак иштирок этди. Ўйлайманки, кейинги веломарафонларда бу рақамлар янада ўсади. Чунки, мусобақа асноси кекса отахонлар, спортсевар онахонлар ёшларга чинакамига ибрат кўрсатишди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Тараддуд

Бухоро вилоятида 17 минг нафар ўғил-қизнинг оромгоҳларда ҳордиқ чиқариши кўзда тутилган. Бунинг учун 17 та стационар ва 90 та мактаболди кундузги оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш лозим бўлади. Ана шу жиҳатлар инобатга олинган ҳолда вилоят ҳокими ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг қўшма қарори қабул қилинди.

Қизғин жараён

Шу муносабат билан вилоят ҳокимлигида йиғилиш ўтказилди. Унда шаҳар ва туманлар ҳокимлари, оромгоҳларга ҳомий этиб тайинланган ташкилотлар раҳбарлари, ички ишлар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ, халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари ва бошқа мутасадди идоралар масъуллари қатнашди.

Йиғилишни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи, болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш бўйича вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳи раиси Муҳиддин Эсанов олиб борди.

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, Мувофиқлаштирувчи гуруҳ раиси ўринбосари Ғулом Сафаровнинг ахбороти тингланди.

Таъкидландики, 2013 йилда16900 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилиб, режа 101,2 фоизни ташкил этди. Мавсум давомида 166 нафар «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари, 20 нафар кўзи ожизлар мактаб-интернати ўқувчилари ва 1682 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари дам олдирилди. 1000 нафар «Билимлар беллашуви» вилоят босқичи ғолиблари «Нефтчи» оромгоҳида мириқиб ҳордиқ чиқарди.

Жорий йилнинг ёз мавсумида болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш учун оромгоҳларга 847 млн. 954 минг сўм (ижтимоий суғурта маблағидан 217 млн. 859 минг сўм, ҳомийлардан 630 млн. 95 минг сўм) сарфланади. Шунингдек, мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 630 млн. сўм харажат қилинади. Умумий сарфланадиган маблағ 1 млрд. 477 млн. 954 минг сўмни ташкил этади. Айни кунда мазкур маблағни тўлиқ шакллантириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Соғлом бола йили муносабати билан қўшимча равишда 14 та мактаб қошидаги кундузги оромгоҳларда 500 нафар болани дам олдириш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, янги мавсумда кам таъминланган оилалар фарзандларининг 1000 нафарини, «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларини ҳамда иқтидорли ўқувчилардан 200 нафарини бепул соғломлаштириш кўзда тутилган.

Йиғилишда оромгоҳлардаги аҳвол чуқур таҳлил қилиниб, тайёргарлик жараёнида сусткашлик ва бепарволикка йўл қўяётган айрим раҳбарлар қаттиқ танқид остига олинди. Чунончи, Когон туманидаги «Гулхан», Жондор туманидаги «Ниҳол», Қоракўл туманидаги «Шодлик», Вобкент туманидаги «Зарафшон», Ғиждувон туманидаги «Коинот» каби оромгоҳлардаги жиддий камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Уларни бартараф этиш бўйича вилоят ҳамда ҳудудий Мувофиқлаштирувчи гуруҳларга кунлик маълумотлар тақдим этилади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Хабарлар оқимидан

Ўзбекистон ҳалқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги кенг нишонланаётган айни кунларда шоир ижоди ва ҳаётига бағишланган тадбирлар давом этмоқда.

ШОИР УЙ-МУЗЕЙИ

Марҳамат туманидаги шоир туғилиб ўсган Қовунчи қишлоғида Муҳаммад Юсуф уй-музейининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вакиллари, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, шоирнинг дўстлари ва мухлислари иштирок этди.

Уй-музейидан ўрин олган экспонатлар, фото ва бошқа ҳужжатлар шоир ижоди ва ҳаётидан бир умрлик эсдалик бўлиб қолади.

БАРАКА ЎЗИМИЗДАН

«Булоқбоши чорва озуқа бирлашмаси» МЧЖ ўтган беш йил давомида озуқа етказиб беришни икки марта оширди. Сабаби, тумандаги қорамоллар ва қўйлар сони ҳам ортиб, улар бугун 52 700 бошга етди.

Бирлашма томонидан қишлоқ ва маҳаллаларда ишга туширилган 11 та шохобчада аҳолига озуқа маҳсулотлари етказиб берилмоқда. МЧЖ томонидан буғдой мавсумидан сўнг маккажўхори ва бошқа озуқабоп экинлар экиш учун ҳозирданоқ фермер хўжаликлари билан шартномалар тузилмоқда.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Жамоа шартномаси: у қандай бажарилмоқда?

Қонунлар аниқликни талаб этади

Фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаганимиз юртимизда инсон, унинг қадр-қиммати, обрўси, шаъни, борингки, барча ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтаришни тақозо этади. Шу боисдан ҳам мавжуд қонунчилигимизда шахс манфаатлари ҳар томонлама ўз ифодасини топган. Жамоа шартномасини тегишли қонунлар билан асослантириш унинг янада мукаммал бўлишига хизмат қилади.

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг 2010-2015 йилларга қабул қилинган жамоа шартномаси айнан шу талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Қолаверса, ҳар бир масала аниқ, лўнда ва пухта изоҳланган. Шартнома бандлари ҳар йили қайта кўриб чиқилиб, ўзгартириш ва қўшимчалар билан тўлдириб борилади. Мазкур ҳужжат орқали 7235 нафар аъзонинг манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Айтиш жоизки, ўтган йилнинг ўзида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида тизимда 178 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳужжатнинг меҳнатни муҳофаза қилишга оид бўлимида бахтсиз ҳодиса рўй берганда, ходим касб касаллигига чалинганда, соғлиғига жиддий салбий таъсир етказилганда ёки ўлим билан тугаган ҳолатларда иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақалар ва зарарни қоплаш миқдорлари Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги «Ходимлар, уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари» асосида белгиланган. Бунда тўланадиган маблағнинг энг кам миқдори ва муддатлари кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 16 июлдаги қарорига мувофиқ, нефт-газ қазиб чиқариш ва геология қидирув ишлари билан машғул бўлган ходимларни ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар ҳисобидан мажбурий давлат суғуртасидан ўтказиш белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 214-моддаси талабига риоя қилган ҳолда ишчи-хизматчилар корхона ҳисобидан йилда бир марта тиббий кўрикдан ўтказилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўлимида Президентимизнинг 2007 йил 17 декабрдаги «Фахрий унвонлар учун тўловлар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармони асосида «Халқ», «Хизмат кўрсатган арбоб» фахрий унвони эгаларига энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдорида, «Хизмат кўрсатган фахрий» унвони соҳибларига энг кам иш ҳақининг 1.6 фоизи миқдорида қўшимча тўловлар жорий этилган.

Хизмат сафари даврида ва кўчиб юриш, уй-жой ижараси билан боғлиқ чиқимлар, иш юзасидан бошқа ҳудудга кўчиб бориш, молмулкини кўчириш, хизмат сафари давомида ўз шахсий автомобилларидан фойдаланиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Меҳнат кодексининг 171-, 172-, 173-моддаларига мувофиқ амалга оширилиши асослаб қўйилган. Шунингдек, Меҳнат кодексининг 165-, 166-, 167-моддалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида ходим давлат ва жамоат ишларига, жамият манфаатларига доир ҳаракатларга жалб этилган вақтида унинг ойлик иш ҳақини тўлаш тартиблари акс этган.

Тармоқ тизимида кадрлар қўнимсизлигига йўл қўймаслик учун ходимларнинг ишдан манфаатдорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан бу борада махсус низом ишлаб чиқилиб, унга кўра «йил якуни бўйича» ҳамда «хизмат қилган йиллари учун» ходимлар рағбатлантириб турилади.

(Давоми 2-саҳифада).

Ҳаммаси рисоладагидек

Болаларга «Қайси фаслни ёқтирасан?» деган савол бериб кўринг-а. Албатта, ёз фасли, деган жавобни оласиз. Негаки, ҳар лаҳзадан янгилик кутадиган болакайлар учун оромгоҳлар жўшқинлик, яйраб дам олиш ва дўстлар орттириш масканидир.

Сирдарё вилоятида 2014 йилда стационар турдаги ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ҳар қачонгидан кўпроқ бола дам олдирилади. Коллежлар ва мактаблар қошида ташкил этиладиган кундузги оромгоҳларда эса 2600 нафар боланинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши режалаштирилди.

Ўтган йил 1 та ҳарбий-спорт, 1 та меҳнат ва роҳат оромгоҳлари ташкил этилган бўлса, жорий йилда бу анъана давом эттирилиб, Халқ таълими бошқармаси билан биргаликда мазкур йўналиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Шунга кўра, ҳар бир ҳудудда июн ойида корхона ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳлари ташкил этилади.

Шунингдек, оромгоҳларда «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчиларини, шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг маблағлари ҳисобига 50 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар болаларини бепул дам олдириш ҳам назарда тутилган.

Оромгоҳларга чет тили мутахассислиги бўйича ўқиётган талабалар ҳам жалб этилади. Чунки болаларда чет тили тўгаракларига бўлган қизиқиш кучлилиги ўтган йилги тажрибалардан ҳам маълум. Мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар бошқармалари, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, масъуллар томонидан амалга ошириладиган вазифалар ҳам белгилаб берилган.

Мавсумда олиб борилаётган ишларни назорат қилиш, муаммолар юзага келганда зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирлари амалга оширилиши учун ВКУТБ қошида Тезкор штаб ташкил этилиб, ҳар бир оромгоҳдаги вазият бўйича вилоят ҳамда ҳудудий Мувофиқлаштирувчи гуруҳларга кунлик маълумотлар тақдим этилади.

Озода МАМАДАЛИИЕВА, «Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 24-aprel № 51 (3400)

САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Шўртан газ-кимё мажмуасининг «Қарши термопласт» цехида замонавий технология асосида диаметри 16 миллиметрдан 630 миллиметргача бўлган полиэтилен қувурлар, қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилаётган, томчилаб суғоришга мўлжалланган шланглар, турли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда.

Цехда айни пайтда бир суткада 13-14 тонна хом ашё қайта ишланиб, 7 минг 600 погонометр турли ўлчамдаги қувурлар тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаётир.

Барча ишлаб чиқариш жараёни автоматлаштирилган ва бу юқори самарадорликни таъминламоқда. Цехда 150 нафардан зиёд ёшлар доимий иш билан банд.

Суратларда: *ишчилар (чапдан) Акбар Жуманазаров ва Хуршид Усмонов; ишчи Бекзод Халилов; ишчилар (чапдан) Ғафур Муродов ва Акмал Усмонов.*

ЎзА фотомухбири Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат

Қонунлар аниқликни талаб этади

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ҳужжатнинг Ижтимоий иштиёзлар ва кафолатлар ҳамда Иш вақти бўлимларида аёллар ва ёшлар меҳнатини енгиллаштириш, қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, соҳа йўналишида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида шартнома асосида ўқиётган талабаларнинг ўқув харажатлари имконият даражасида компания ҳисобидан қопланади. Шунингдек, ходим ёки уларнинг фарзандлари бошқа йўналишлардаги таълим муассасаларида шартнома асосида таҳсил олиши учун йиллик ўқиш тўловларини уларнинг ойлик маошидан ойма-ой ушлаб қолиш шарти билан қоплаш белгиланган.

Меҳнат таътилига чиқаётганда, соғлигини тиклаш учун, турмуш қураётганда, яқинлари оламдан ўтганда бир ойлик маош миқдорида моддий ёрдам берилади. Ишлаётган уруш фахрийлари ва уларга тенглаштирилган шахслар Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан энг кам иш ҳақининг уч баробари, тармоқ тизимида 20 йилдан зиёд ишлаган меҳнат фахрийлари касб байрами муносабати билан энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида моддий қўллаб-қувватланади. Бундай ижтимоий кўмак бола тарбияси бўйича таътилга чиқаётган аёлларга энг кам иш ҳақи миқдорида белгиланган. Икки ва ундан ортиқ балоғат ёшига етмаган болани тарбиялаётган оналарга ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига бир соатга қисқартирилади. Бундан ташқари, 6-7 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга ўғил-қизларини мактабга тайёрлаш учун ойига бир кунлик таътил берилади. Уч ёшга тўлмаган фарзанд тарбияси билан машғул бўлганлар аризаларига биноан қисман ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқига эга. Ходимнинг ўзи турмушга чиққанда ёки уйланганда никоҳ тўйи муносабати билан ёки оила аъзоларидан бири оламдан ўтган тақдирда 3 кунлик таътил олади. Ўн тўрт ёшгача боласи бор, 16 ёшга тўлмаган ногирон фарзанди бўлган ва ҳомиладор аёлларга аризаларига кўра 20 соатлик тўлиқсиз иш соати белгиланади.

Икки ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган оналарга уларнинг иш куни давомийлигидан қатъи назар тегишли миқдорда нафақа тўлаб борилади. Мактаб ёшидаги фарзандлари бўлган ходимларга ҳар янги ўқув йилида дарсликлар, ўқув қуроллари ва кийим-бошлар харид қилиши учун энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида маблағ ажратилади. Ишчи-хизматчиларга ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорида овқат пули, йилда бир марта қиш мавсумига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиши учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдорида компенсация тўланади. Шунингдек, ходимларнинг ишга келиб-кетишда жамоат транспортидан фойдаланиш харажатининг 50 фоизи корхона ҳисобидан қопланади. Мураккаб жаррохлик операциялари ва стационар даволанишга муҳтож бўлган шахсларга тегишли тиббий ҳужжатлар асосида сарфланган харажатларининг тўлиқ ёки камида эллик фоизи маъмурият томонидан тўлаб берилиши назарда тутилган. Сурункали касалликларга чалинган ёки МТЭК хулосаси тақдим этган шахсларга санаторий ва дам олиш уйларида соғлигини тиклаш учун йўлланмалар қийматининг камида эллик фоизи қоплаб берилади.

— Тармоқда узоқ вақт ишлаб кетган фахрийларимизнинг ҳолидан доим хабар олиб турамиз. Улар умрининг навқирон даврини компания равнақи учун сарфлаганини унутишга ҳақкимиз йўқ, — дейди «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Беҳзод Валиев.

Таъкидлаш жоизки, соҳада 20 йилдан ошиқ меҳнат қилиб пенсияга чиққан ёлғиз шахслар оғир хасталикка чалинганда уларнинг даволаниш харажати маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан қопланади. Ходим оламдан ўтган тақдирда марҳумнинг оиласига энг кам иш ҳақининг 12 баробаридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади.

Пенсияга чиқиши муносабати билан ишдан бўшаётганда, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар унга тармоқ тизимида ишлаган ҳар бир йили учун ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида бир йўла нафақа тўланади. Таъкидлаш ўринлики, Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 3- ва 4-бандлари ҳамда 106-моддасининг 3- ва 5-бандлари асосида меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳолатлари бундан мустасно. 50, 60, 70 ва ундан зиёд юбилей ёшларига тўлган ходим ва фахрийлар бир ойлик маош миқдорида мукофотланади. Компания тизимида камида 20 йил ишлаб пенсияга чиққан ва ишламаётган пенсионерларга махсус низомда белгиланган миқдорда ҳар ойда қўшимча тўлов тўлаб борилади.

Компания имкониятидан келиб чиққан ҳолда ёшларга турар жой шароитини яхшилаш учун ссудалар бериш назарда тутилган. Шунингдек, маъмурият томонидан тармоқ тизимидаги ижтимоий ва соғлиқни сақлаш муассасалари — санаторий-профилакторий, дам олиш уйлари, болалар оромгоҳлари учун кечиктирмасдан маблағ ажратиб турилади.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Маънавият соати

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ховос туман кенгаши томонидан 9-умумтаълим мактабида «Маънавият соати» ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон, Муҳаммад Исмоил, туман ҳокимининг ўринбосари Дилкарам Эрназарова, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, ўрта ва махсус таълим, мактабгача таълим муассасалари ҳамда мусиқа ва санъат мактаби, маданият бўлими раҳбарлари иштирок этди.

Ҳафтанинг ҳар жумаси

Таъкидлаш жоизки, ушбу мактабда жамоа шартномаси орқали ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий тадбирларни ташкиллаштириш каби ишлар намунали йўлга қўйилган. Мактабда ўтказиладиган маданий-маърифий тадбир, учрашув, давра суҳбатлари мактаб маъмурияти билан касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этиб келинмоқда.

Мактаб директори Шоира Қобилова касаба уюшма ташкилоти фаолиятини доим қўллаб-қувватлайди. Бошланғич касаба уюшма қўмитаси алоҳида хонага эга, жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

Ходимлар маънавиятини юксалтириш мақсадида бошланғич касаба уюшма ташкилоти томонидан ҳар ойнинг охирги жума кунида «Маънавият соати» ўтказилади.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

■ Нодавлат секторда

Таҳлиллар Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси фаолиятида нодавлат тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларни касаба уюшмасига жалб этиш бир мунча оқсаётганини кўрсатди. Аҳволни ўнглаш учун аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Айниқса, жорий йилнинг дастлабки кунларидан касаба уюшма аъзолигининг афзалликлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари ўзининг ижобий самарасини бера бошлади.

Сафимиз кенгаймоқда

Масалан, Қорақўл туманидаги «Нотўқима» МЧЖ 50 нафар ходими билан тармоқ касаба уюшмаси таркибига кирди. Жамоанинг мазкур масала юзасидан ўтказилган йиғилишида ходимлар тадбиркор ва ташаббускор Дилором Нарзиевани етакчи қилиб сайлашди. Икки томонлама келишувлар асосида имзоланган жамоа шартномасида ходимлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ўз аксини топди.

— Корхонамизда асосан калава ип ва бўз ишлаб чиқарилади, — дейди МЧЖ раҳбари Усмон Абдуллаев. — Маҳсулотларимизни «Бухоропахтасаноат» ҳудудий акциядорлик жамиятига шартнома асосида етказиб берамиз. Даромадимиз ҳам, иш шароитимиз ҳам ёмон эмас. Бироқ эндиликда жамоа шартномаси масъулиятни янада оширишни тақозо этмоқда. Бу бевосита ходимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга қулай меҳнат шароити яратиш, меҳнат муҳофазаси масаласига эътиборни кучайтириш каби муҳим жиҳатлар билан боғлиқ. Ўйлайманки, баҳамжиҳат ишласак, муваффақиятларимиз ҳар қачонгидан кўпаяди.

Бу ягона мисол эмас. Ромитан туманида «Шарофат инвест текс» МЧЖда 38 нафар, Бухоро шаҳридаги «Ҳумо имкон сервис» хусусий корхонасида 60 нафар ходим АСМ касаба уюшмаси таркибига қўшилди. Ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бошқача айтганда, жорий йил биринчи чорагида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят таркибига 38 та нодавлат сектордан 322 нафар аъзо қабул қилинди.

Шунингдек, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси ташкилотлари жорий йилнинг ўтган уч ойида 43 тага ортиб, аъзолар 198 нафарга етди. Соғлиқни сақлаш, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаларида ҳам аъзолар сафининг кескин кенгаяётгани кўзга ташланмоқда.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

КОЛЛЕЖДАН — КОРХОНАГА

Фарғона вилояти Бувайда автомобил йўллари касб-ҳунар коллежида 2 минг 498 ўқувчи замонавий шароитларда таҳсил олаётир.

Коллежда кимё, физика, биология, информатика, инглиз тили хоналари, лаборатория ҳамда ўқув амалиёти устахоналари жаҳон талаблари асосида жиҳозланган.

Ўқув даргоҳини бу йил 761 ўқувчи битиради. Айни кунларда уларнинг бандлигини таъминлаш учун корхона ва ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар тузилмоқда.

Суратда: *коллежнинг махсус фан ўқитувчиси Аваз Мамадалиев ўқувчилар билан.*

ЎзА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат

■ Бошланғичда нима гап?

Андижон транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи касаба уюшма қўмитаси Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси тизимида ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичида 3-ўринга сазовор бўлган эди. Касабақўм раиси Моҳидилхон Абдалимова эришилган муваффақият омиллари хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

Ишончга яраша

— Касаба уюшмаларида қуйи ташкилотлар асосий бўғин саналади. Бинобарин, бошланғичда ташаббус, изланиш сезилмаса, етакчи жонкуяр бўлмаса, саъй-ҳаракатлар беҳуда кетаверади. Кейинги йилларда тизимда «Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш дастури» асосида қатор ишлар амалга оширилянти.

Жамоамиз ўн икки йил илгари мени бошланғич касаба уюшма ташкилотига етакчи этиб сайлаган эди. Имкон борича билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қилаяпман.

Ўтган йил фаолиятимда катта ўзгаришлар рўй берди. «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида иштирок этдик. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги корхона ва ташкилотлар бошланғич касаба уюшмалари фаолияти билан танишдик, тажриба алмашдик. Мазкур танловнинг ўтказилиши ҳам фаолиятга кенг кўламда назар ташлаш имконини берди. Бир неча босқичдан иборат танловда барча ташкилотлар қамраб олинди. Ҳар бир етакчи туман, вилоят ва республика босқичларида фаол қатнашди.

Масъулиятни ҳис этган ҳолда ўтган йили коллежимиздаги 164 нафар педагог-ходим ва 2 мингдан зиёд ўқувчининг меҳнат қилиши, ўқиши ва маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлашга эътибор қаратдик. Улар учун барча шароит яратилган. Кам таъминланган ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш эътиборда.

Ўқувчилар саккиз йўналишда ҳунар ўрганмоқда. Масканимиз қошида «Дурдона» унитар корхонаси ташкил этилган. Бу ерда ёшлар ўқув амалиётини ўташ билан бирга, иш билан таъминланиш имкониятига ҳам эга. Улар тикаётган аёллар палтоси бозорда харидоргир. Бундан ташқари, коллежда «Автоҳаваскор» шўъба корхонасининг автомобил мактаби очилган бўлиб, унда «В» тоифа бўйича ҳайдовчилар тайёрланмоқда.

Жамоа шартномаси орқали ҳар бир эҳтиёжманд ходимга имкон қадар моддий ёрдам кўрсатилаётир. Педагог-ходимларнинг дам олишини ташкил этишга эътибор тобора ортиб бормоқда.

Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ўтказиш чора-тадбирлари кўрилаётир. Улар 10 та спорт, 4 та маданият йўналишидаги тўгаракка жалб этилган. Шунингдек, касаба уюшмалари ташаббуси билан ҳар ҳафтанинг чоршанба куни «Маънавият соатлари» ўтказиб келинади. Маънавий тарғибот ишларида олимлар, кўпни кўрган оқсоқоллар, эл-юрт ҳурматига сазовор инсонлар иштироки таъминланаяпти.

Х.МАТИСАЕВ

■ Кўрик-танлов

«Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси»

Жиззах политехника институтида бўлиб ўтган кўрик-танлов ана шундай номланди. Мазкур анжуман ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб етишишига, уларда ватан туйғуси, мамлакатимизда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишга кўмаклашиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Кўрик-танлов институт ректорати ва касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан юқори савияда ташкил этилди.

— Мамлакатимиз Президентининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга қаратилган мазкур тадбир ғоят самарали бўлди, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Қўчқор Такабоев. — Унда институтимизда фаолият кўрсатаётган ўттиздан зиёд ёш мутахассислар ўзларининг илм-фанда эришаётган ютуқлари ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилган ишлари билан фаол қатнашди.

«Транспорт воситаларини ишлатиш» кафедрасидан Сирожиддин Жиянбоев «Энг фаол ёш транспортчи» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Сирожиддин магистратурада ўқиш давомида ўзининг «Ўзбекистон ҳудудида маҳаллий хомашёлардан сурков мойлари олиш технологияси» мавзуси билан танловда қатнашиб, Америка Қўшма Штатларининг «ТЕХАСО» гранти соҳиби бўлганди. Таъкидлаш жоизки, Тошкент автомобил йўллари институти магистратурасини тамомлаган Сирожиддин айни вақтда Жиззах политехника институтида ўқитувчилик қилмоқда. У ўзининг иш фаолияти давомида халқаро грантларда қатнашиб, Швециянинг Қироллик технология институти, Буюк Британиянинг Лидес университети, Италиянинг Турин политехника институти билан ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу олийгоҳларда ўтказилган семинар-тренингларда фаол қатнашиб, ўз малакасини ошириб келмоқда. Кўрик-танлов ғолиби С.Жиянбоев вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Абдуманнап АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

ХУСУСИЙ МУЛК — ижтимоий-иқтисодий тараққиёт таянчи

1-қисм

Бозор иқтисодиёти турли мулк шаклларига таянган ҳолда ривожланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин» деб ёзиб қўйилган.

Мамлакатимизда хусусий мулк икки кўринишда — якка (индивидуал) хусусий мулк ва корпоратив, яъни мулк эгаларининг шерикчилик асосида ривожланмоқда. Хусусий мулк соҳиби мулкка нисбатан ўз ҳуқуқларини хусусий тарзда амалга оширади. Хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Давлат хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш ва унинг кўпайтирилиши учун барча зарур шароитларни яратади.

Ўзбекистонда хусусий мулкнинг вужудга келиш манбаларидан бири фуқароларнинг давлат мулкини хусусийлаштиришда иштирок этишидир.

1994-2013 йилларда 31 мингтадан ортиқ 2000-2012 йиллар мобайнида эса 9567 та давлат тасарруфидаги корхона ва объектлар хусусийлаштирилиб, улар асосида 600 дан ортиқ акционерлик жамиятлари, 1200 дан ортиқ масъулияти чекланган жамиятлар, 5000 дан ортиқ хусусий корхоналар ташкил этилди.

Натижада, Ўзбекистон иқтисодиётида нодавлат сектор салмоғи ошмоқда. Агар 1990 йилда ЯИМнинг 38,1 фоизи нодавлат секторида ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 1998 йилда 67,7, 2006 йилда 77,8, 2012 йилда эса 83,6 фоизни ташкил этди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва чакана савдо айланмаси 99,9 фоизга етди.

Тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнесга кенг йўл берилгани натижасида мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб иқтисодиётнинг барқарор ўсишига эришилиб, унинг суръатлари 2001-2003 йилларда ўртача 4 фоиздан, 2004-2006 йилларда 7 фоиздан, 2007 йилдан буён ўртача 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда.

Жумладан, 2013 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,8, чакана савдо айланмаси 14,8, истеъмол товарларни ишлаб чиқариш 14,4, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 13,5 фоизга ўсди, аҳолининг реал даромадлари эса 16 фоизга ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берди.

Фармонда Республика комиссиясининг қарори асосида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш ёки тўғридан-тўғри балансига беришнинг 3 та механизми кўзда тутилган:

1) банкрот корхона кредиторлик қарзи таркибининг 70 фоиз ва ундан ортиқ қисмини банк кредитлари ташкил этса, у ҳолда корхонани тижорат банклари балансига бериш;

2) банкрот корхонани аукцион савдолари орқали энг юқори нарх таклиф қилган ва тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олган тижорат банкларига сотиш;

3) банкрот корхонани танлов савдолари орқали тижорат банкларига «нол» қийматда инвестицион мажбурият шарти билан сотиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар (кўмаклар) берилган. Яъни, банкрот корхоналар негизида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар:

- қўшимча қиймат солиғидан озод қилинди;
- уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқларини тўлашдан;
- бошқарув компанияларга берилганда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди.

Юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжатлар орқали тижорат банкларига ҳам муайян имкониятлар берилган. Жумладан: банкрот корхона негизида устав жамғармаси 100 фоизгача бўлган янги корхона ташкил этиш;

- банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан, ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;
- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;
- банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Айни пайтда мазкур жараённинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига бир қатор мажбуриятлар юкланган. Жумладан:

1) тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлар ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес режаларни ишлаб чиқиш;

2) ёлланган ҳар бир корхона бошқарувчиси ишлаб чиқаришда кутилган натижаларга эришиши орқали ишлаб чиқаришга замонавий ва юқори малакали бошқарувчиларни жалб қилиш ишларини олиб бориши;

3) банклар тасарруфига берилган банкрот корхоналари келгуси фаолияти устидан Республика комиссиясида ҳисобот беришлари йўлга қўйилган.



Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Маълумотларга кўра, 2010 йилда банкрот бўлган ночор корхоналар 211 та, янги мулкдорларга сотилгани 46 та, тижорат банклари балансига берилгани ва сотилгани 43 та, банк томонидан соғломлаштирилиб қайта тикланганлари 34 та, ҳокимият балансига берилганлари 28 та, соғломлаштирилиши тугалланаётган корхоналар 38 та, 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра соғломлаштирилиши лозим бўлган корхоналар 22 тани ташкил этган.

Умуман олганда, ўтган йиллар давомида 1 июл 2013 йил ҳолатига кўра тижорат банклари балансига жами 170 та иқтисодий ночор корхона қабул қилинди. Уларда ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан 429,2 млрд. сўмлик инвестициялар киритилди. Бунинг эвазига Германия, Япония, АҚШ, Хитой, Италия ва Швейцарияда ишлаб чиқарилган замонавий юқори технологиялар ва ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Тижорат банклари томонидан иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш бўйича олиб борилган самарали ишлар натижасида ишлаб чиқариш фаолияти тикланган 123 та корхона 995,5 млрд. сўмга янги инвесторларга сотилди. Шу билан бирга, тижорат банклари балансида қолган 47 та корхонадан 33 тасида ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда ушбу корхоналарни янги инвесторларга сотиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Фаолияти тикланган корхоналар томонидан 2,2 триллион сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу эса, ўз навбатида, банклар томонидан тикланган корхоналарда кенг кўламдаги истеъмол ва саноат моллари ишлаб чиқарилиб, ички бозорни тўлдиришга ҳамда экспортга йўналтирилиб, республикамиз валюта захирасини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

2013 йилда ҳам тижорат банклари балансидаги фаолияти тикланган корхоналарни янги мулкдорларга сотиш ишлари давом эттирилди ҳамда 11 та корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича технологик линияларни тиклаш, қурилиш, таъмирлаш, янги ускуналар ўрнатиш ва модернизация қилиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилди.

Булардан кўринадики, Инқирозга қарши чоралар дастури асосида тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси ўзини тўла оқламоқда.

2-қисм

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида давлат иштироки улушини камайтириш, монополияга қарши тартиботларни самарали юритиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, саноат тармоқларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнида, биринчи навбатда, паст рентабелли ҳамда зарар кўриб ишлаётган корхоналарни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янада жадаллаштириб юборди. Ушбу ҳужжатга биноан, нафақат иккита йирик қўмита бирлаштирилди, балки хусусий мулкчилик қўламини янада кенгайтириш вазифалари белгилаб берилди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур қўмита томонидан ўтган қисқа давр ичида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳудудлардаги камқувватли корхоналарни, қурилиши тугулланмаган ва бўш турган объектларни аниқлаш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, қўмита маълумотларига кўра, республикамиз бўйича 10 мингга яқин шундай корхона ва объектлар негизида ишлаб чиқаришни тиклаш бўйича таклифлар тайёрланди. Шундан 8 мингдан ортиқ корхона ва объектларни молиявий соғломлаштириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, бўш турган 290 та давлат объектини хусусийлаштириш, 263 тасини инвестиция киритиш ва иш ўринлари яратиш шарти билан тадбиркорларга «нол» қийматида сотиш, 160 дан кўпроғини самарали фойдаланиш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотларига бериш, 138 тасида марказлаштирилган маблағлар ҳисобига қурилиш ишларини якунлаш ҳамда 232 та объектни тадбиркорларга ижарага ажратиш таклифлари ишлаб чиқилган.

Биргина мисол, 2013 йил 12 июлдаги давлатимиз раҳбарининг «2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ишларни амалга ошириш вазифалари белгиланган бўлиб, жумладан, қирққа яқин фаолият юритмаётган, паст рентабелли саноат корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва фаолиятини тиклаш орқали қарийб 1000 та иш ўрни вужудга келади. Давлат тасарруфидаги 94 та бўш турган ва фойдаланилмаётган объект оммавий савдоларда «нол» қийматида сотилиб, 28 та объект ўрнида юқори ҳамда тежамкор технологияларга асосланган янги саноат корхоналари ташкил қилинади.

Юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, молиявий соғломлаштириш дастурларига киритилган лойиҳаларга жалб этилган жами инвестициялар ҳажми 1 триллион 408,2 миллиард сўмга етди. Унинг 756,2 миллиард сўми тижорат банклари кредитлари маблағи ҳиссасига тўғри келса, қолган қисми тадбиркорларнинг ўз маблағларидир. Ушбу маблағлар ҳисобидан катта ҳажмда қурилиш ва реконструкция қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ишлари бажарилди. Натижада, 2013 йилнинг биринчи ярмида 22,6 мингта янги иш ўрни яратилиб, 1 триллион 881,7 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. 48,2 миллион АҚШ долларлик қисми экспорт қилинди.

Юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш учун Президентимиз таъкидлаганидек, бундай корхоналар бўйича уларни молиявий инқироздан ва банкротликдан чиқариш бўйича «йўл харитаси» деб аталадиган дастурлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим бўлади, албатта. Бунга ночор корхоналарни тижорат банкларга сотиш ёки тўғридан-тўғри балансига беришнинг қайд этиб ўтилган 3 та механизмини қўллаш орқали эришилади.

Маълумки, ўрта мулкдорлар синфи шакланган давлатларда иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда катта ижобий ютуқлар қўлга киритилган.

Кичик ва ўрта даражадаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бир томондан, кўп укладли аралаш иқтисодиётга олиб келса, иккинчи томондан, ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришни жадаллаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиладиган бўлса, мамлакатимиз аҳолиси орасида ўрта мулкдорлар ҳиссаси 70-80 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Албатта, қайси қатламга мансублигини белгилайдиган асосий мезон — бу мулкдир. Жамиятда ижтимоий қатлам мулк миқдори билан белгиланади.

3-қисм

Ўзбекистонда 1992 йилда ўтказилган давлат, муниципиал ва маҳкама уй-жой фондининг хусусийлаштирилиши натижасида 1 миллиондан ортиқ фуқаролар уй-жой мулкига эга бўлдилар. Давлат уй-жой фондининг қарийб 98,8 фоизи фуқароларга хусусий мулк қилиб берилди. Шундан 30 фоизи эса маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш ходимларига текин хусусийлаштириб берилди. Бундан ташқари, уларнинг кўпчилиги даромад келтирадиган бошқа мол-мулк шаклларига, яъни автомашина, қаҳвахона, офис бинолари, хусусий меҳмонхоналар, ферма, устахона, кичик саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳам эгадирлар.

Ўзбекистон ҳукумати ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий, молиявий шарт-шароитларини тўлиқ яратиб берди.

Мамлакатимизда ҳақиқий мулкдорлар қарор топиши давлатнинг мазкур йўналишдаги изчил ва аҳамиятли сиёсати орқали жадал суръатда амалга ошиб, тез орада ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди. Ўзбекистонда 1990 йилда нодавлат секторининг ЯИМдаги улуши 38,1 фоиз бўлган бўлса, 2013 йилга келиб 83,6 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиёт нодавлат секторининг шакланишида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг аҳамияти катта бўлди. Ўрта мулкдорлар қатламининг шакланишида мамлакат аҳолиси даромадларининг ўсиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан сўнг жамият аъзолари даромадлари ҳам ошиб бормоқда. 2003-2010 йиллар мобайнида аҳоли даромадлари 16 баробардан кўпроқ ошган.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 2017 долларни ташкил этди. Ўртача ойлик номинал иш ҳақи эса харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг январ ойида 1162,5 долларга тенг бўлди. 2012 йилда аҳолининг даромадлари 2011 йилга нисбатан 17,5 фоизга, 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 16 фоизга ўсди, энг кам иш ҳақи 26,5 фоизга ошди. Умуман олганда, 2012 йилда 2000 йил билан таққослаганда, реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробар кўпайди. 2000-2013 йилларда ўртача иш ҳақи истеъмол саватчаси баҳосидан 4 баробардан зиёд ошди. Мамлакатимизда 2013 йилда аҳолининг энг кўп таъминланган 10 фоизи ва энг кам таъминланган 10 фоиз қатлами даромадлари ўртасидаги тафовут атиги 8,0 баробарни ташкил этди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда оилаларнинг 97 фоизи ўз уйига, ҳар уч оиладан бири шахсий енгил автомобилга эга ва аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган. Агар 2000 йилда мамлакатимиз аҳолисининг атиги 24 фоизи ўрта тоифага мансуб деб ҳисоблаган бўлса, ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 50 фоизни ташкил этади.

2000 — 2013 йиллар давомида республиканинг барча жойларида аҳоли даромадларининг ўсиши кузатилди. Энг юқори ўсиш суръати — Тошкент шаҳри, Навоий ҳамда Бухоро вилоятларида юз берди. Масалан, 2012 йилда Тошкент шаҳрида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар 5194,2 минг. сўм, Навоий вилоятида 4204,0 минг сўм, Бухоро вилоятида 3163,8 минг сўмни ташкил этди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидан, мулки ва мустақил равишда бандликдан олинадиган даромадлари ҳам тез суръат билан ўсмоқда. Деҳқон хўжаликлари ва тадбиркорлик фаолиятидан олинган умумий даромадлар салмоғи 2001 йилда 26,9 фоиздан 2010 йилда 36,4 фоизга, 2013 йилда эса қарийб 40 фоизга ўсди. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари маҳсулотлари тобора кўпроқ товар шаклига эга бўлмоқда.

Умуман олганда, кейинги йилларда Ўзбекистонда аҳолининг реал пул даромадлари тез суръат билан ўсиб бормоқда. Масалан, 2005 йилда бу кўрсаткич 9728,6 млрд. сўм, 2012 йилда эса 77129,0 млрд. сўмни ташкил этди.

2012 йилда аҳоли умумий даромадларининг 67,4 фоизи меҳнат фаолиятидан, 1,7 фоизи шахсий истеъмол учун ишлаб чиқаришга қилинган хизматдан, 2,1 фоизи мулкдан ва 28,5 фоизи трансферт тўловлардан олинган даромад ташкил қилган.

Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан унинг таркиби ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад барқарор ўсиб бормоқда, 2013 йилда ушбу кўрсаткич 51 фоизни ташкил қилди.

2007-2013 йиллар давомида тижорат банклари томонидан аҳолига миллий валютадаги 400 дан ортиқ хорижий валютадаги 100 тадан ортиқ жозибадор омонат турлари таклиф этилди. Натижада, аҳоли маблағларининг тижорат банкларидаги омонатлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2002 йилда 234,0 млрд. сўм бўлган бўлса, 2012 йил 1 январ ҳолатига кўра 6173,9 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу рақамлардан кўринадики, тижорат банкларида аҳоли омонатларининг миқдори ўсиб бомоқда. Сўнгги ўн йилда эса аҳоли омонатлари 41 баробар ошган. Биргина 2009-2013 йиллар давомида 3,6 баробар ортган.

Банклардаги омонатлар ҳажмининг ошишида аҳоли реал даромадларининг ўсиши ҳамда банк тизимининг барқарорлиги асосий омил бўлгани ҳолда, аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар бўлаётганидан дарак беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёмини қабул қилиш ва сўндириш чора-тадбирларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида Молия вазирлиги ва Халқ банкининг Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёмини аҳолидан қабул қилиш тўғрисидаги қўшма мурожаати бўйича 2014 йилнинг 1 августидан 30 ноябрига қадар индексацияни ҳисобга олган ҳолда пул маблағлари тўлаб берилиши ҳам аҳоли даромадларининг янада ортишига олиб келади.

Бугунги кунда мамлакатимизда яшаётган ҳар учта оиланинг биттаси шахсий енгил автомобилга эга. Юртимизда ҳар 100 та оилага ўртача 80 та холодилник, 146 та телевизор тўғри келмоқда. Бу эса баъзи оилаларда икки чангютгич, учтадан телевизор борлигини кўрсатади. Шунингдек, аҳолининг кир ювиш машинаси, микротўлқинли печлар, шахсий компютер ва бошқа зарур воситалар билан таъминланиш даражаси ошиб бормоқда.

Республикамизда мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар 19 миллион нафарни ташкил этиб, ҳар бир оилага ўртача 3 та уяли телефон тўғри келмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда интернет абонентлари 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 18,3 фоизга ўсиб, ҳозирги пайтда 7 миллион 100 минг нафарни ташкил этмоқда.

Келтирилган рақамларнинг ўзи ҳам аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб бораётганлигини кўрсатади. Бу, ўз навбатида, ўрта мулкдорлар синфини янада ортиб боришига олиб келади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва модернизация жараёнини янада чуқурлаштиришдан иборат бўлган миллий тараққиётимизнинг ҳозирги палласида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни давом эттириш, мулкий муносабатларни янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада Президентимиз таъкидлаганларидек: «Биз мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тараққиёти, хусусий мулкнинг жадал ривожи учун ғоят қулай ва устувор шароитларни яратиб берар эканмиз, аввало, шуларнинг ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш, аҳолимизнинг иш билан банд бўлиши ва даромад топиши билан бир қаторда, биз учун янги бўлган, демократик ислоҳотларнинг таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи — ўрта синфни шакллантиришни кўзда тутамиз».

Турғун ЗИЯЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Фахрий доктори,
Очил ЯРАШЕВ,
Тошкент иқтисодиёт коллежи директори,
Дилдора ЁҚУБ,
Тошкент иқтисодиёт коллежи «Молия ва иқтисодиёт кафедраси» мудири

ЎзА суратлари

Ishonch
2014-yil 24-aprel № 51 (3400)

ҲАЛИ БОЛА, АММО ЧЕМПИОН!

Фарина Мадиярова эндигина 11 ёшга тўлди. У Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги 171-умумтаълим ҳамда 2-болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш билан бир қаторда, шарқ яккакурашларидан ҳисобланган, бир неча жанг санъати турларини ўзида жамлаган Пенчак Силат билан шуғулланади.

— Менда спортнинг ушбу турига қизиқиш уйғонганига тўрт йилдан ошди. Устозим Шуҳрат Сулаймоновдан унинг сир-асрорларини ўргандим, — дейди Фарина. — Қатор ютуқларни қўлга киритдим. Бултур Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Тошкентда ўтган халқаро турнирда 1- ва 2- ўринлар соҳибасига айландим. Жорий йилнинг март ойида эса Малайзияда уюштирилган мусобақада иккинчи ўрин насиб этди.

Фарина фортепьяно ҳам чалади. Умуман, бўш вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Унга бу йўлда отаси Умид ака ва онаси Камола опа барча шароитни яратиб берган.

— Қўлга киритган ютуқларим Президентимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлигининг самараси деб биламан, — дейди чемпион қиз. — Ўзбекистон довруғини дунёга ёйишни истайман.

С.АБДУРАҲМОНОВ.
Аҳмад ТЎРА олган сурат

Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига

ТАЖДИД: анъаналарни тиклаш

Мутаносиблик

Адабиёт анъанасиз яшай олмайди. Анъаналар сўз санъати иморатига битта-битталаб қўйилган ғиштларга ўхшайди. Ҳар қандай ижодкор шу тайёр ғиштлар асосида ўз иморатини кўтаради.

Адабиёт новаторликсиз ҳам яшай олмайди. Чунки ҳар бир ижодкор бунёд этаётган иншоотига янги ғиштлар ишлатиши керак.

«Анъана ва новаторлик» деган ифодада мутаносиблик етишмайди. Чунки ҳам бир-бирига чамбарчас боғлиқ, ҳам бир-бирини зимдан инкор этадиган бу икки бадиий ҳодисанинг биринчиси — шарқона, иккинчиси эса — ғарбона сўз билан аталган. Шунинг учун *«новаторлик»* истилоҳини ҳам шарқона қилиб, *«таждид»* деган — маъқул. *«Новаторлик»* сўзининг ҳам, *«таждид»* калимасининг ҳам асл маъзида *«янги»* деган тушунча ётади. *«Жадид»* сўзининг ўзаги ҳам — айнан *«жадада» («янгиламоқ»)*.

Машҳурликнинг сири нимада?

Бошқа ҳеч кимнинг кўнглига тегмасин-у, ўтган асрнинг иккинчи ярмида устоз қалам соҳиблари бўлмиш Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповдан кейин бирон-бир шоир эл орасида Муҳаммад Юсуфчалик машҳур бўлмади.

Назаримда, Муҳаммад Юсуф шеъриятининг шуҳрати айнан унинг янгилигида эди.

Бу янгиликка у, бир тарафдан, анъаналарни тиклаш, иккинчи тарафдан, анъаналарни синдириш орқали эришди.

Тахаллус

Арабий, форсий ва туркий лирикада ғазал — энг асосий жанр. У минг йилдан ошиқ даврда сайқаллана-сайқаллана, такомилга етган. Шунинг учун қатор қулайликлари бор. Шулардан бири — тахаллус қўллаш имконияти. Тахаллус баҳона шоир лирик қаҳрамони ички дардларига яқинлашади. Муаллиф ундан ўқувчи билан янада дилдан дардлашиш учун зўр бир имкон янглиғ фойдаланади. Шуни ҳам унутмайликки, шеърда сўзлаётган шахс — шоирнинг лирик қаҳрамони. Тахаллус қўллаш орқали у асарга яна бир қаҳрамон — шоир тимсолини киритади. Шу тариқа гўё лирик қаҳрамон шоирга мурожаат ҳам қилади: уни нимагадир даъват этади, чорлайди, ундайди. Бу шоирнинг ўзи билан ўзи гаплашишига ҳам имкон туғдиради.

Асосан, бармоқ вазнида ривожланаётган замонавий ўзбек шеъриятида эса унча-мунча шоир тахаллуси (ёки исмини) шеърига қўшавермайди. Бу бармоқ шеъриятида оммалашмаган, урф бўлмаган. Муҳаммаджон ғазалдаги шу анъанани бармоқдаги шеъриятга дадил олиб кирди. Унга замондош шоирларнинг ҳеч бирида бу даражада ўз номини қўшиб шеър битиш ҳодисаси учрамайди. Имкони топилди дегунча шеърига исмини қўшиб ёзаверди. Буни самимийликни юзага чиқаришнинг бир воситасига айлантирди. *«Бошқалар нима дер экан?»* — деб ўтирмади.

Бир-икки мисол келтираман.

«Қизғалдоқ» шеърида бундай дейди:

Муҳаммаддан бўлак дўсти девонанг йўқ.

«Капалаклар» шеъридаги мана бу мисрада зоҳиран Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) кўзда тутилган, аммо зимдан шоирнинг ўзига ҳам ишора йўқ эмас:

Муҳаммадга ишонган, эй мўминлар...

«Ўтинч» шеърида ўқиймиз:

Қизлар, ўлан айтиб гоҳида,
Эслаб қўйинг Муҳаммадни ҳам.

Ўзбек қизларига бағишланган бир шеърига, ҳатто, «Содда Муҳаммадман...» деган сарлавҳа ҳам қўйган. У:

Содда Муҳаммадман,
Содда Муҳаммад —
Туркман қизни мақтаб балога қолдим...—

деб бошланади.

Шоир меросида бундай мисралар жуда кўп.

Илм ҳозир жуда осон йўлларга ўтиб олган. Бир шоир меросини комютерда терасан, қайси сўзни неча бора, қаерларда ишлатганини билмоқчи бўлсанг, тегишли тугмачани босасан, бўлди — ҳаммасини аниқлаштириб беради. Шу тариқа М. Юсуф айнан нечта шеърида тахаллус қўллаганини аниқлаштириш мумкин.

Тил – хазина

Тил хазина эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо бу бойлик гўё турли хоналарда қулфлоқлик ҳолда ётгандек. Қўлига қалам тутганларнинг ҳаммаси ҳам бу хазина яширинган хоналарга калит топавермайди. Муҳаммаджон бу борада изланувчан эди.

Тилимиз — жуда бой-да.

Тошкенту Андижон томонларда *«юрдинглар»* дейди.

Фарғона томонларда *«юрдиларинг»* дейди.

Бухорою Қарши томонларда *«юрдингизлар»* (қисқарган — *«юрдизла»*) дейди.

Қорақўлу Олот томонларда *«юрдиларингиз»* дейди.

Буларнинг маъноси — бир, аммо вазни (бўғинлари миқдори) ҳам, оҳанги (қофияси) ҳам бир эмас. Шоирга эса *«туйғуларингиз»* ва *«кулгуларингиз»* сўзларига тушадиган қофия керак. Шундай кезларда у гўёки «отга миниб», керак бўлса, Олот боради:

Ёдимда соф туйғуларингиз,
Жаранглаган кулгуларингиз.
Ҳаётимда бўлмасангиз ҳам,
Хаёлимда юрдиларингиз.

Шеваларимиз — битмас-туганмас бойлигимиз. Ҳар бири бир мукаммал тизимдек гўё. Халқнинг тилидаги бундай анъаналарни шеърга қанча кўп олиб кирсак, шеър шунча янгилана боради.

Такрорларда яширин жозиба

Такрор — шеъриятда азал-азалдан мавжуд бадиий санъат. Аммо такрорнинг ҳам тури, кўринишлари, анъанаси кўп. М. Юсуф такрор санъати анъаналаридан оҳорий бир тарзда фойдаланди. У сўзларнигина эмас, алоҳида-алоҳида парчаларни ҳам шу шеърнинг ўзида такрорлаб келтираверади.

«Биз бахтли бўламиз» шеърининг биринчи банди охиридаги мана бу тўрт мисра асар сўнгида мустақил бир банд янглиғ яна қайтарилади:

Биз бахтли бўламиз,
Худо хоҳласа,
Худо хоҳламаса,
Учрашармидик?!

Фақат биринчи бор келганда охирида уч нуқта, кейинги гал эса сўроқ ва ундов белгиси қўйилган, шу тариқа ҳиссиёт кучайтирилган.

«Муҳаббатим» шеъри — бор-йўғи тўрт банддан иборат. Лекин биринчи банд тўртинчи банд сифатида айнан такрорланиб келган:

Муҳаббатим, қайдасан қалб ардоғим,
Жайронкўзим, қирларда қолган оҳум,
Қўлим тегмай тўкилган қизғалдоғим,
Энди сени излаб қайдан топарман?..

«Лаганбардорлар» шеърида ҳам шу усул қўлланган — биринчи банд охирги (бу шеър олти банддан ташкил топган) бандда қайтарилган:

Каззоб Сталиндан зорланманг ҳадеб,
У ҳам фарзандидир битта инсоннинг.
Билмоқчи бўлсангиз, қабри қайда деб,
Лаганбардорлардан сўранг Чўлпонни...

Фақат энди охирги бандда *«фарзандидир»* сўзи *«боласи-да»* тарзида ўзгартирилган, холос.

Худди шундай усулни «Синглимга мактуб» шеърида ҳам қўллайди. Биринчи банд қуйидагича жаранглайди:

Қачон хат ёзгандим сенга, билмайман,
Қофия билан банд бугун тош кўнглим.
Ёлғиз аканг бўлиб,
Ёнингда юрмайман...
Кечир мени, синглим,
Кечир мени, синглим.

Уни айрим жузъий ўзгаришлар билан охирги банд тарзида ҳам ўқиймиз:

Қачон хат ёзгандим сенга,
Билмадим,
Қофия билан банд менинг тош кўнглим.
Ёлғиз аканг бўлиб,
Ёнингда юрмадим...
Кечир мени, синглим,
Кечир мени, синглим.

Шунингдек, «Муҳаббат» шеъри шундай бошланиб, айнан шундай якунланади:

Қалбга зардоб бўлиб тўлганинг алам,
Гоҳи очилмасдан сўлганинг алам.
Муҳаббат, муҳаббат, ҳаммасидан ҳам
Сочга оқ тушганда келганинг алам!..

Кўриниб турибдики, анъана бошқа макон ва замонга кўчирилганда таждид хусусиятига эга бўла боради.

Илинж

Айримларнинг шеърлари ўқилади, айримларнинг шеърлари қўшиқ қилиб куйланади. Бора-бора муаллифларнинг ўзи ҳам ё ўқишга, ё куйлашга мослаб ёзадиган ҳам бўлиб кетади.

М. Юсуф шеърларини қўшиқ қилиб куйланишини ўйлаб эмас, балки, ўқиш учун ёзар эди. Лекин азбаройи халқоналиги, ҳаётийлиги, элнинг дилига яқинлиги, оҳангинлиги жозибадорлиги, кўпчиликка тушунарли, содда ва равон бўлгани учун уларнинг аксарияти тез фурсатда қўшиққа айланар эди. С. Саййид таъкидлаганидек: «Дардли, самимий, тиниқ шеърлари билан қисқа вақт ичида қўшиқчиликнинг димиқиб кетган ҳавосини тозартиришга муваффақ бўлди».

Ҳозир адабиётимизда нима кўп — шоир кўп. Бу яхши. Чунки чиқса, кўпдан чиқади. Бироқ, назаримда, айтса — айтгудек айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланяпти. Аввало, бир хил шеърларнинг ижод столини қўлтиқлаб, қийналиб, луғат титиб, мажбуран ёзилгани билиниб туради. Қолаверса, баъзи шоирлар шеър ясашнинг муайян сир-синоати, техникасини ўрганиб олган, энди бир-бирига ўхшаш шеърларни тўқиб ташлайверади. Булардан ташқари, ёзганим қўшиқ бўлсин, хонандалар қийналмай талаффуз қила олсин, иложи борича, «тўйбоп» бўлсин, деб қалам отини тинмай қамчилаётганлар ҳам кўпайиб бораётир.

Муҳаммад Юсуфда бунга ўхшаш иллатларнинг биронтаси ҳам йўқ эди. Унинг шеърлари халққа бадиий сўз айтиш илинжи билан ёзилган.

Султонмурод ОЛИМ,
«Нақшбандия» журнали
бош муҳаррири

Qishloq Qurilish Bank

Мамлакатимизда истиқлол йилларида иқтисодиётимизнинг асосий бўғинларидан бири саналган кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада, ишлаб чиқариш ривожланди, хизмат кўрсатиш сифати ошди. Бу эса ишбилармонларнинг тижорат банклари билан ҳамкорликда янги лойиҳаларни амалда татбиқ этиш имконини бермоқда.

Молиявий кўмак туфайли

«Мукаммал ғоя» масъулияти чекланган жамияти ҳам эзгу мақсадлар сари илдам қадам ташлаётган умидли корхоналардан. Асосий фаолияти аҳолига янги турдаги мебел маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат. Бугун бу ерда ишлаб чиқарилаётган мебелларга туманимиз аҳолиси орасида талаб ортиб бормоқда. Корхонамиз эришаётган ютуқларда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг молиявий кўмаги мадад бўлди, десак янглишмаган бўламиз.

2013 йилда фаолиятимизни ривожлантириш мақсадида бизнес режа ишлаб чиқиб, ҳамкоримиз — «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Жиззах минтақавий филиалига тақдим этдик. Лойиҳамиз банк томонидан маъқулланиб, 80 миллион сўм кредит ажратилди. Ушбу маблағ эвазига замонавий ускуналар сотиб олинди. Қисқа даврда бир неча хил янги турдаги мебел маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энг муҳими, 15 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси иш билан таъминланди.

Келажакда «Қишлоқ қурилиш банк» билан йирик лойиҳалар устида ҳамкорлик қилиш ниятидамиз.

Рустам НОРМАТОВ,
Жиззах шаҳридаги
«Мукаммал ғоя»
МЧЖ раҳбари

Кўргазма

18-20 апрел кунлари Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси биносида Ўзбекистон халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари «Ҳунарманд» уюшмаси ташаббуси ҳамда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, Савдо-саноат палатаси, «Ишонч» суғурта компанияси томонидан «Мустақил юрт ҳунармандлари» номли халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати маҳсулотлари кўргазма-савдоси ўтказилди.

Мустақил юрт ҳунармандлари

Кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган ҳунармандлар ўзларининг сара асарлари билан иштирок этдилар. Тадбирга хорижий давлатларнинг элчихона ва ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар, вазирлик ва идоралар, ОАВ вакиллари ташриф буюрдилар.

Ҳозирда ҳунармандларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифати, дизайни, бадиийлиги, харидоргирлиги билан нафақат ички, жаҳон бозорида ҳам таҳсинга сазовор бўлмоқда.

Ҳар бир вилоятнинг ўзига хос ҳунармандчилик намуналари томошабинларни эътиборсиз қолдирмади. Жумладан, Риштон, Ғиждувон, Гурумсарой, Тошкент кулолчилиги вакилларининг маҳсулотлари, Шаҳрихон пичоқлари, Бухоро зардўзлик ва кандакорлик маҳсулотлари, Сурхондарё, Қашқадарё, Нурота миллий каштачилиги, Тошкент шаҳри ва Хоразм ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари шулар жумласидан.

Айтиш жоизки, уюшма аъзоларининг асарлари Россия, Англия, Франция, АҚШ, Туркия, Малайзия, Озарбайжон, Эрон, Хитой каби қатор мамлакатларда ўтказилган ҳунармандчилик кўргазмаларида юксак эътироф этилган.

Миллий ҳунармандчилигимизнинг ривожланиши, ҳунармандларимизнинг эркин ижод қилишлари, уларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, кўрсатилаётган эътибор — барчабарчаси мустақиллик туфайлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонига асосан ҳунармандларимиз қатъий белгиланган солиқ ва божхона тўловларидан озод этилган. 2013 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи бир фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги фармонинг 4-бандига асосан ушбу имтиёзлар муддати 2017 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди. 2019 йил 1 январга қадар эса касаначилар ягона ижтимоий тўловдан озод этилди.

Яратилган имтиёзлардан руҳланган ҳунармандлар сони йилдан-йилга ошмоқда. 1997 йилда уюшма аъзолари 700 нафарни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб 21191 нафарга етди. Улар томонидан ҳунармандчиликнинг 25 йўналиши бўйича 1000 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майда «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майда «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тартиби тўғрисида»ги Низомга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида», 2009 йил 29 июлда «Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун қабул қилиндики, барчаси ҳунармандларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш анъаналарини давом эттириш мақсадида уюшмада ҳар йили 600 дан ортиқ «Уста-шогирд» мактабларида 3000 дан зиёд шогирдларга ҳунар сирлари ўргатилмоқда.

Кўргазма-савдода илк маротаба уюшманинг фахрий аъзоларига ҳамда ўз маҳсулотларини бадиий жиҳатдан юқори савияда санъат асари даражасига етказиб тайёрлаган уюшма аъзоларига махсус гувоҳномалар тантанали равишда топширилди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2014 йил 4 апрелдаги № 07/27-257-сонли хатига ва Аму Сурхон Ирригация тизимлари хавза бошқармаси қошидаги Мелиоратив Экспедициясининг 2014 йил 16 апрел кунидаги № 22-сонли буйруғига асосан Мелиоратив Экспедицияси балансида бўлган, Термиз шаҳар М.Қаҳҳор кўчаси манзилида сақланаётган; Тико русумли, д/р 75 121 JAA бўлган, 2000 йилда и/ч таъмирталаб ҳолатдаги автомашина. **Б/ б 1 500 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 26 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2014 йил 26 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 2 июн куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 26 май учун 2014 йил 23 май ва 2014 йил 2 июн куни учун 2014 йил 30 май куни соат 18:00.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома. Хизматлар лицензияланган.

«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига, Сурхондарё вилоят Сариосиё туманидаги «Тоқчиён имкон ММТП» МЧЖ тасисчиларининг 2014 йил 3 апрелдаги №1 сонли умумий йиғилиш баённомасига ва «Тоқчиён имкон ММТП» МЧЖнинг 2014 йил 7 апрелдаги № 1-сонли буйруғига асосан «Тоқчиён имкон ММТП» МЧЖ балансида бўлган ГАЗ-3307 русумли, д/р 75 036 НАА бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган таъмирталаб ҳолатдаги автомашина. **Б/ б 1 815 000 сўм.**

Аукцион савдосига, Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2013 йил 29 октябрдаги №1-17-890/8-сонли хати ва Сурхондарё вилоят Адлия бошқармасининг 2014 йил 16-апрелдаги № 49 УМ-сонли буйруғига асосан вилоят Адлия бошқармасининг балансида бўлган, Термиз шаҳар Султон Саодат кўчаси 40-уй манзилида сақланаётган Нексия русумли, д/р 75 631 JAA бўлган, 1991 йилда и/ч таъмирталаб ҳолатдаги автомашина. **Б/ б 13 455 815 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 26 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2014 йил 26 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 2 июн куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 26 май учун 2014 йил 23 май ва 2014 йил 2 июн куни учун 2014 йил 30 май куни соат 18:00.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома. Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) жамоаси Жамоатчилик эксперти гуруҳи аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими

Ирина САВЕЛЬЕВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, **Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69, **Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79, **Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43, **Reklama va e'lonlar** — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; **Buxoro** + 99893 653 50 81; **Sirdaryo** + 998 90 999 58 30; **Jizzax** + 998 94 418-67-49; **Navoiy** + 998 94 226-28-84; **Namangan** + 998 90 260-50-77; **Samarqand** + 998 93 352-50-87; **Qashqadaryo** +998 91 467-30-01; **Surxondaryo** + 998 95 502-68-99; **Farg'ona** + 998 90 583-49-79; **Qoraqalpog'iston Respublikasi** + 998 91 268-92-32; **Xorazm** + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 18.00
Topshirildi - 18.30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 418 | 20930 nusxada bosildi | 2345